



## II ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ

Ўзбекистон Республикаси ҳаракатлар  
стратегияси: макроиқтисодий  
барқарорлик, инвестицион фаоллик ва  
инновацион ривожланиш истиқболлари

**Илмий маъруза ва мақолалар  
тўплами**

## III ШУЎБА

2019 йил 27-28 май




## II МЕЖДУНАРОДНОЙ НАУЧНО- ПРАКТИЧЕСКОЙ КОНФЕРЕНЦИИ

**“Стратегия действий Республики  
Узбекистан: макроэкономическая  
стабильность, инвестиционная активность  
и перспективы инновационного развития”**

**СБОРНИК НАУЧНЫХ  
МАТЕРИАЛОВ И СТАТЕЙ**

**СЕКЦИЯ III**

*27-28 мая 2019 года*



## II INTERNATIONAL SCIENTIFIC AND PRACTICAL CONFERENCE

**Actions strategy of Uzbekistan:  
macroeconomic stability, investment  
activity and perspectives of innovative  
development**

**COLLECTION OF MATERIALS  
AND ARTICLES**

**SECTION III**

*27-28 may 2019 year*

**Тошкент давлат иқтисодиёт  
университети**

**Тахрир хайъати:**

И.ф.д., доц. Ш.Мустафакулов, и.ф.д., проф. М.Косимова, и.ф.д., проф. Б.Салимов, и.ф.д.,  
проф. Н.Махмудов, и.ф.д., проф. Б.Беркинов, и.ф.д., проф. Ш.Эргашходжаева, и.ф.д.,  
проф. Н.Йўлдошев, и.ф.д., проф. Г.Абдурахмонова, и.ф.д., доц. С.Худайкулов, и.ф.д.,  
проф. У.Ғафуров, и.ф.н., доц. М.Аскарлова, и.ф.н., доц. И.Хотамов

**ТДИУ ректори, и.ф.д., проф. Б.Ю. Ходиевнинг  
умумий тахрири остида**

Ўзбекистон республикаси ҳаракатлар стратегияси: макроиқтисодий барқарорлик, инвестицион фаоллик ва инновацион ривожланиш истиқболлари [Электрон тўплам]. – Т.: «Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар» илмий электрон журналининг махсус сони, 2019.

Мазкур электрон тўпланда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 29 январдаги 981-Ф-сонли фармойишига асосан, ёш иқтисодчи олимларнинг илмий тадқиқот ишларини қўллаб-қувватлаш, олиб борилаётган илмий изланишларни амалиётга кенг жорий этиш шунингдек, уларга кўмаклашиш мақсадида Тошкент давлат иқтисодиёт университети, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти, Халқаро Вестминстер университети ҳамда Тошкент Молия институти ҳамкорлигида 2019 йилнинг 27-28 май кунлари **“Ўзбекистон Республикасининг ҳаракатлар стратегияси: макроиқтисодий барқарорлик, инвестицион фаоллик ва инновацион ривожланиш истиқболлари”** мавзусида ўтказилган халқаро илмий-амалий конференцияга келиб тушган илмий мақолалар жамланган.

Унда қуйидаги шубҳалар бўйича мақолалар тизимлаштирилган:

- ❖ 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси давлат сиёсатининг намунаси сифатида;
- ❖ Очиқ иқтисодиёт: соғлом рақобат, ишбилармонлик муҳити ва қулай инвестиция муҳити;
- ❖ Иқтисодиётда давлатнинг иштирокини камайтириш, хусусий секторни жадал ривожлантириш йўли билан иш ўринлари сонини ошириш;
- ❖ Валюта сиёсатини эркинлаштириш ва иқтисодиётни диверсификациялаш ҳисобига юқори иқтисодий ўсиш суръатларига эришиш.

**Ташкентский государственный экономический  
университет**

**Редакционная коллегия:**

д.э.н., доц. Ш.Мустафакулов, д.э.н., проф. М.Косимова, д.э.н., проф. Б.Салимов, д.э.н.,  
проф. Н.Махмудов, д.э.н., проф. Б.Беркинов, д.э.н., проф. Ш.Эргашходжаева, д.э.н., проф.  
Н.Йўлдошев, д.э.н., проф. Г.Абдурахмонова, д.э.н., доц. С.Худайкулов, д.э.н., проф.  
У.Ғафуров, к.э.н., доц. М.Асқарова, к.э.н., доц. И.Хотамов

**Под общей редакцией ректора ТГЭУ д.э.н., проф. Б.Ю. Ходиева**

Стратегия Действий Республики Узбекистан: макроэкономическая стабильность, инвестиционная активность и перспективы инновационного развития [Электронный сборник]. – Т.: «Экономика и инновационные технологии» специальный выпуск научно-электронного журнала, 2019.

В данном электронном сборнике собраны научные статьи международной научно-практической конференции «Стратегия Действий Республики Узбекистан: макроэкономическая стабильность, инвестиционная активность и перспективы инновационного развития», проведённой 27-28 мая 2019 года Ташкентским государственным экономическим университетом совместно с Институтом стратегических и межрегиональных исследований при Президенте Республики Узбекистан, Вестминстерским международным университетом и Ташкентским финансовым институтом, согласно Постановлению Кабинета Министров Республики Узбекистан № 981-П от 29 января 2019 года, в целях поддержки и широкого внедрения научных исследований молодых ученых-экономистов.

Сборник научных статей охватывает следующие направления:

- ❖ Стратегия действий по пяти приоритетным направлениям Республики Узбекистан в 2017-2021 гг.- как пример ответственной государственной политики;
- ❖ Открытая экономика: здоровая конкуренция, деловая среда и благоприятный инвестиционный климат;
- ❖ Сокращение государственного вмешательства в экономику, увеличение количества рабочих мест путём ускоренного развития частного сектора;
- ❖ Либерализация валютной политики и достижение высоких темпов экономического роста за счёт диверсификации экономики.

**Tashkent State University of Economics**

**Editorial team:**

D. Sc., docent SH. Mustafakulov, D. Sc., prof. M. Kosimova, D. Sc., prof. B. Salimov, D. Sc., prof. N. Mahmudov, D.Sc, prof. B. Berkinov, D. Sc., prof. Sh. Ergashkhodjaeva, D. Sc., prof. N. Yuldashev, D. Sc., prof. G. Abdurahmonova, D. Sc., docent S. Xudaykulov, D. Sc., prof. U. Gafurov, PhD, docent M. Askarova, PhD, docent I. Khotamov.

**Under the general editorship of the rector of TSUE, Doctor of sciences in economics,  
professor B. Y. Khodiev**

Actions Strategy of Uzbekistan: macroeconomic stability, investment activity and perspectives of innovative development [E-version of the material]. – T.: «Jekonomika i innovacionnye tehnologii» special issue of scientific electronic journal, 2019.

This electronic collection contains scientific articles of an international scientific-practical conference. «Actions Strategy of Uzbekistan: macroeconomic stability, investment activity and perspectives of innovative development», held on May 27-28, 2019 by the Tashkent State Economic University in cooperation with the Institute of Strategic and Interregional Studies under the President of the Republic of Uzbekistan, Westminster International University and Tashkent Financial Institute, according to the Resolution of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan No. 981-P of January 29, 2019, in order to support and promote widespread scientific research among young economists.

The collection of scientific articles covers the following areas:

- ❖ Strategy of actions in five priority areas of development of the Republic of Uzbekistan in 2017-2021 as an example of responsible public policy;
- ❖ Open economy: healthy competition, business environment and favorable investment climate;
- ❖ Reducing the state presence in the economy, increasing the number of jobs by accelerating the development of the private sector;
- ❖ Liberalization of monetary policy and the achievement of high rates of economic growth due to economic diversification.

© Tashkent State University of Economics  
© “Jekonomika i innovacionnye tehnologii ”  
scientific electronic journal (<http://iqtisodiyot.tsue.uz>)

## Приветственное слово ректора



Здравствуйте, дорогие гости! Дамы и господа!

Я рад видеть Вас в Ташкентском государственном экономическом университете. И выражаю особую благодарность уважаемым гостям! Господам послам, представителям Международных организаций, ученым, академикам из зарубежных стран.

Кроме того, я хотел бы поблагодарить Советника Президента республики Узбекистан, уважаемых министров, академиков и специалистов, *практиков и юристов*.

Уважаемые участники Конференции! Как вам известно, Президент республики Узбекистан, уважаемый Шавкат Миромонович Мирзияев проводит широкомасштабную систематическую работу во всех сферах дальнейшего развития уровня страны, внедрение в жизнь демократических принципов.

В быстроразвивающемся мире каждое государство, которое заботится о своем народе и о своем будущем, определяет свои собственные темпы развития с высоким чувством ответственности. С этой точки зрения по инициативе Президента республики Узбекистан, Шавката Мирзияева была разработана стратегия действий на 2017-й – 2021-й годы по пяти приоритетным направлениям развития республики Узбекистан. Эти стратегии действий являются радикальными по эффективности проводимых реформ. Создание условий для полного, динамичного развития государства и общества, модернизация страны и либерализация всех сфер жизни.

Уважаемые гости! Сегодняшняя II-я Международная Конференция посвящена результатам реформ в контексте приоритетных направлений стратегии действий. Дальнейшее развитие и либерализация экономики. Я думаю, что уважаемые зарубежные ученые, академики отдельно рассмотрят и поделятся своими позициями, результатами научных исследований и сравнительными анализами.

В свете предпринятых полномасштабных мер основное внимание было уделено дальнейшему укреплению макроэкономической

стабильности страны. Поддержание строгой денежной и кредитной политики, обеспечение стабильности национальной валюты и внутреннего рынка, а также бюджетно-налоговых реформ.

Как известно, в 2017-м году, в год поддержки предпринимательства, инновационных идей и технологий, в стране были приняты комплексные меры по внедрению достижений современной науки, инновационных идей и технологий в экономику, социальную сферу и управление.

В прошлом году была проделана определенная работа по созданию благоприятного инвестиционного климата и внешнеэкономической деятельности, а также по поддержке экспорта.

*Во-первых*, в 2017-м году было восемнадцать межгосударственных визитов. И были достигнуты инвестиционные Соглашения на сумму 50 миллиардов долларов США.

Состоялась серия переговоров на высшем уровне. Более чем с тридцатью межгосударственными и международными организациями. Подписано 180 долгосрочных Договоров и Соглашений.

Так же было 360 визитов на уровне глав Правительств, министерств, ведомств и международных организаций.

*Во-вторых*, были устранены все искусственные барьеры для внешней торговли. Внешнеторговый оборот в январе-марте 2019-го года составил 9 миллиардов 406 миллионов долларов США. По сравнению с соответствующим периодом прошлого года увеличился на 27, 2 %.

В том числе экспорт достиг 4 миллиарда 132 миллиона долларов США. Темп роста составил 20, 6 %.

А импорт 5 миллиардов 273 миллиона долларов США. Темп роста составил 32, 9 %.

Радикальными реформами и мероприятиями, проводимыми во всех сферах государственной и общественной жизни по инициативе Президента республики Узбекистан, усилили деловой круг и укрепили гражданскую позицию. Расширили участие всех в государственном и общественном управлении. Интересы народа все более широко учитываются в решениях, принимаемых должностными лицами.



Уважаемые участники Конференции!

Пользуясь случаем, я хотел бы выразить отдельную благодарность зарубежным гостям, которые участвуют в данной Конференции. В частности, уважаемым академикам из Российской Федерации, ученым из Соединенных Штатов Америки, Германии, Болгарии, Южной Кореи, Индонезии, Канады и других соседних стран. А также ректорам высших учебных заведений республики.

Спасибо за внимание.

*Ректор ТГЭУ,  
профессор Б. Ходиев*



## **III ШУБА**

**ИҚТИСОДИЁТДА ДАВЛАТНИНГ  
ИШТИРОКИНИ КАМАЙТИРИШ, ХУСУСИЙ  
СЕКТОРНИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИ  
БИЛАН ИШ ҲРИНЛАРИ СОНИНИ ОШИРИШ**



## **СЕКЦИЯ III**

**СОКРАЩЕНИИ ГОСУДАРСТВЕННОГО  
ПРИСУТСТВИЯ В ЭКОНОМИКЕ, УВЕЛИЧЕНИИ  
КОЛИЧЕСТВА РАБОЧИХ МЕСТ ПУТЕМ  
УСКОРЕННОГО РАЗВИТИЯ ЧАСТНОГО  
СЕКТОРА**



## **SECTION III**

**REDUCING THE STATE PRESENCE IN THE  
ECONOMY, INCREASING THE NUMBER OF JOBS  
BY ACCELERATING THE DEVELOPMENT OF THE  
PRIVATE SECTOR**



Мундарижа:

Содержание:

Content:

<i>Эко Сри Марганти. Экономика Узбекистана к промышленной революции 4.0 и социум 5.0 .....</i>	<i>7</i>
<i>Abduraimova Maftunaxon Akhmatovna. Features of the audit in insurance organizations.....</i>	<i>11</i>
<i>Abduraupov Rustam Ramzovich. Disclosure requirements gap analysis in corporate governance.....</i>	<i>16</i>
<i>Ilkhamov Shavkat. Concept of the use of the system of internal control of enterprise.....</i>	<i>23</i>
<i>Kadirov Nizamdjan Mukhamadjanovich. What makes production efficient? An alternative look to the theories of firm and entrepreneurship.....</i>	<i>28</i>
<i>Mamadiyarov Zokir. Mobile banking roll-out in uzbekistan: advantage of using.....</i>	<i>33</i>
<i>Sabirov Mirza Qilichbaevich. Daromadlarni shakllantirishda soliqlarning ahamiyati.....</i>	<i>39</i>
<i>Абдураманов Хамид Худайбергеневич. Қишлоқ жойларида норасмий иш билан бандликни тартибга солиш.....</i>	<i>47</i>
<i>Абдурахмонова Г.К. Иқтисодиётнинг инновацион ривожланиши ва меҳнат муносабатларининг янги шакллари.....</i>	<i>54</i>
<i>Авазхон Аззамов Талгатович. К вопросу элементов налогообложения доходов от капитала и ее принципов.....</i>	<i>60</i>
<i>Акбарова Барно Шухратовна. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг статистик таҳлил.....</i>	<i>68</i>
<i>Алимова Наргиза Рустамовна. Методики прогнозирования и регулирования рынка труда.....</i>	<i>75</i>
<i>Анаркулов Фаррух Авазхонович. Инсон ресурсларини фойдаланиш самарадорлигини ошириш.....</i>	<i>82</i>
<i>Артиков Неъматулла Абдусаламович. Регулирование налогового бремени юридических лиц путем переложения.....</i>	<i>89</i>
<i>Асраев Умар Мўминович. Жаҳон иқтисодиётида илдам ривожланаётган логистика соҳасининг ўзбекистонда ривожланиш тенденциялари.....</i>	<i>94</i>

<i>Ашурова Ҳақиқ Ҳошимовна. Халқаро электрон таълим стандарлари асосида ўзбекистонда масофавий таълимни самарали ташкил этиш йўллари.....</i>	<i>99</i>
<i>Бабаев Шавкат Байрамович. Ўзбекистонда янги солиқ концепциясини амалга ошириш жараёнида жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи бўйича солиқ тушумларини прогноз қилишнинг услубиятини такомиллаштириш.....</i>	<i>105</i>
<i>Базаров Кахрамон Таштемирович, Бабабекова Гулчехра Бахтияровна. Налоговое администрирование в узбекистане и в зарубежной практике.....</i>	<i>112</i>
<i>Бакаева Феруза Абдусафиевна. Некоторые особенности экономической политики государства по поддержке развития частного предпринимательства в рамках стратегии действий развития Республики Узбекистан в 2017-2021гг.....</i>	<i>119</i>
<i>Бакиева Ирода Акбаровна. Раджабова Назира Искандаровна. Совершенствование механизма содействия трудоустройству выпускников вузов.....</i>	<i>125</i>
<i>Бобожанов Бахромбек Рўзимович. Валиева Азиза Анвар қизи. Фармацевтика маҳсулотлари бозорида истеъмолчилар хулқ-атворини тадқиқ этиш технологияси.....</i>	<i>131</i>
<i>Бозоров Фуркат Одилович. К вопросу оптимизации системы налогового контроля в целях обеспечения налоговой безопасности в Республике Узбекистан.....</i>	<i>139</i>
<i>Бўтабоев Мухаммаджон Тўйчиевич. Ўзбекистоннинг “Яшил” иқтисодийга ўтишининг долзарб масалалари.....</i>	<i>147</i>
<i>Гимранова Ольга Борисовна. Совершенствование налоговой системы Узбекистана.....</i>	<i>153</i>
<i>Джамалов Хасан Нуманжанович. Обеспечение активного участия малого бизнеса в инновационных территориальных кластерах.....</i>	<i>158</i>
<i>Зикрияев З.М. Сирдарё вилоятида ишсиз ёшлар рақобатбардошлигини ошириш.....</i>	<i>172</i>
<i>Карлибаева Р.Х., Аллаберганова Н. Акциядорлик жамиятларида капиталларни бошқариш.....</i>	<i>180</i>

<i>Қобилов А.Ў. Зуфарова Ш.Т. Янги иш ўринларини яратишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли.....</i>	<i>188</i>
<i>Мамарахимов Бекзод Эркинович. Ишчи кучи бандлигини таъминлаш борасида амалга оширилган ислохотлар.....</i>	<i>205</i>
<i>Мухитдинов Эркин Мадорбекович. Ижтимоий демографик омилларнинг ташқи меҳнат миграцияси таъсири.....</i>	<i>212</i>
<i>Нуруллаев Абдулазиз Сирожиддинович. Мировой страховой рынок и тенденции его развития.....</i>	<i>217</i>
<i>Охунов Дилшод Маматжонович. Подходы к внедрению открытых инноваций.....</i>	<i>226</i>
<i>Рустамов Нарзилло Истамович. Иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар шароитида ипакчилик тармоғида янги иш ўринларини яратиш йўналишлари.....</i>	<i>231</i>
<i>Салимов Б.Б. Кичик саноат зоналарини ҳудудларнинг ривожланиш даражаси бўйича турларга ажратиш.....</i>	<i>238</i>
<i>Саидова Марҳабо Хабибулло қизи. Ўзбекистонда бизнеснинг ривожланиш жараёнини таҳлил қилиш ва прогнозлашнинг услубий асослари.....</i>	<i>242</i>
<i>Саитқосимов Акбар. Жамиятни модернизациялашда ижтимоий соҳани инновацион ривожлантиришнинг ўрни.....</i>	<i>247</i>
<i>Сайфуллаев С.Н. Ўзбекистонда логистика соҳаси ривожланишининг ҳуқуқий асослари.....</i>	<i>253</i>
<i>Умарова Муқаддас Аббасовна, Шадиев Хамид Азимович Ишчи кучи таркибий тузилмаси динамикасини статистик баҳолаш (Ўзбекистон Республикаси мисолида).....</i>	<i>258</i>
<i>Файзиева Дилафруз Шухратовна. Направления повышения уровня занятости населения в узбекистане в условиях модернизации экономика страны.....</i>	<i>264</i>
<i>Фаттахов Адихамджан Азизович, Сафаров Бахтиёр Джуракулович, Кадырова Зулхумар Намазовна. Повышение эффективности управления розничной торговлей на основе инновационного маркетинга.....</i>	<i>271</i>
<i>Хажиев Бахтиёр Душабоевич. Ўзбекистонда демографик дивиденд олиш имконияти.....</i>	<i>279</i>
<i>Хайитов Абдиманнон Бухарович. Занятость в современной экономике.....</i>	<i>287</i>

<i>Худайбергенов Дилшод Тухтабаевич. Минтақада товар ва хизматлар бозори самарадорлигини оширишнинг инновацион йўналишлари.....</i>	<i>292</i>
<i>Чинқулов Қаҳрамон Равшанович. Акциядорлик жамиятларининг ҳамда акциядорлик молиялаштиришнинг хусусиятлари ва муаммолари.....</i>	<i>297</i>
<i>Киясов Шерзод Уралович. Направления совершенствования налога на доходы физических лиц в республике узбекистан.....</i>	<i>305</i>
<i>Шоюсупова Н.Т. Мамлакат аёлларини ижтимоий фаоллигини оширишда иш билан бандликнинг ўрни.....</i>	<i>311</i>
<i>Юсупов О.А. Давлат солиқ хизмати органлари тизимида солиқ назорати методологиясини такомиллаштириш.....</i>	<i>317</i>

3. Веблен Т. Теория праздного класса / Т.Веблен. – М.: Прогресс, 1984. – 480 с.
4. Норт. Д. Институты, институциональные изменения и функционирование экономики / Пер. с англ. А.Н.Нестеренко. – М.: Фонд экономической науки «Начало», 1997. – 189 с.
5. Рыгалин Д.Б. Теория и методология устойчивых инновационных взаимодействий в неравновесных экономических системах: диссертация д-р эконом наук: 08.00.05/ Рыгалин Дмитрий Борисович. – М., 2009. – 342 с.
6. Andrew J.P. The Innovation Imperative in Manufacturing. How the United States Can Restore Its Edge //BCG. MI. NAM. March. 2009.

## **Иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар шароитида ипакчилик тармоғида янги иш ўринларини яратиш йўналишлари**

**Рустамов Нарзилло Истамович<sup>1</sup>**

*<sup>1</sup>иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
Тошкент давлат педагогика университети*

Иқтисодиётнинг барқарор ривожланишини таъминлаш учун унинг тармоқларида таркибий ўзгаришларни самарали амалга ошириш ва бу орқали аҳолининг бандлиги ҳамда турмуш даражасини ошириб бориш лозим. Ўзбекистонда 2015 йил 4 мартда қабул қилинган “2015-2019 йилларда ишлаб чиқаришни модернизация ва диверсификация қилиш ва таркибий ўзгартиришни таъминлашнинг дастурий чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4707-сонли фармон асосида таркибий ўзгаришлар жараёни самарали амалга оширилмоқда. Бунинг натижасида миллий иқтисодиётимиз ривожланиши билан бир қаторда иқтисодиёт тармоқларида кўплаб янги иш ўринлари яратилиб, аҳолининг иш билан бандлик даражаси ошиб бормоқда.

Иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар мамлакатимиз ва хорижлик етакчи иқтисодчи олимлар томонидан чуқур ўрганилган бўлиб, жумладан, профессор Н. Махмудов ва С. Ҳомидовларнинг фикрига кўра “Таркибий ўзгаришларни амалга оширишнинг асосий мақсади иқтисодиётда босқичма-босқич равишда ишлаб чиқариш жараёнларини таркибий жиҳатдан ўзгартириш, модернизациялаш ва диверсификациялаш, юқори технологияли саноат соҳаларини жадал ривожлантириш, уларда юқори сифат талабларига жавоб берадиган рақобатбардош маҳсулотлар турини янада кенгайтириш, мавжуд салоҳият ва имкониятлардан самарали фойдаланган ҳолда янги иш ўринларини яратиш орқали аҳоли фаровонлигини юксалтиришга эришиш ҳисобланади”[1,163]. Америкалик иқтисодчи олим С. Кузнец таъкидлашича, “Мамлакатдаги иқтисодий ўсиш ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг аҳолини ўсиб боровчи эҳтиёжларини узоқ вақт давомида қондира билиш имконияти билан баҳоланиши мумкин. Бу ўсиб бориш имкониятлари техника ва технологиялар ривожланишига, иқтисодиёт таркибидаги ва мафкурадаги зарурий ўзгаришларнинг амалга оширилишига

асосланади” [2,104]. Россиялик олим С. Демченко “Самарали таркибий ўзгаришларга ҳукумат томонидан миллий бойлик манбаларидан фойдаланиш асосида иқтисодиётни ривожлантириш стратегиялари қўлланилганда эришилади”- деб таъкидлайди [3,86].

Янги иш ўринларини яратиш бўйича ҳам олимлар томонидан кўплаб изланишлар олиб борилган. Жумладан, Ўзбекистонлик иқтисодчи Б. Матжоновнинг фикрига кўра “Бандлик муаммоси ривожланган ва ривожланаётган ҳар қандай давлатнинг асосий ва долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади. Биринчи рақамли деб айтилаётган мазкур муаммони ҳал қилишнинг бирдан-бир йўли янги иш ўринларини яратиш дастурларини ишлаб чиқиш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишдан иборатдир” [4,17]. Машҳур иқтисодчи олим Ж.Кейнс “Ялпи талабни рағбатлантириш орқали товар ва хизматлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва бу орқали таклифга таъсир этиш ҳамда иш билан бандлик даражасини ошириш мумкин” - деб таъкидлайди [5,234].

Замонавий бозор иқтисодиёти шароитида корхоналарнинг мулкчилик шакллари ўзгариши, иқтисодиётни диверсификациялаш жараёнининг амалга оширилиши, тадбиркорликнинг ривожланиши, ҳар бир киши ўзи учун турмуш шароитини яхшилаш манбаларини ўзи яратиши заруратининг пайдо бўлаётгани кабилар иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар шароитида янги ишчи ўринларини яратишда инобатга олиниши зарур бўлган хусусиятлардир.

Бозор иқтисодиёти ривожланишининг ҳозирги босқичида саноат соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиб бориши, касаначилик фаолиятининг йўлга қўйилиши билан улардаги меҳнат фаолияти ва ишловчиларнинг турмуш даражаси кўрсаткичлари бир-бирига чамбарчас боғланиб кетмоқда. Хусусан, бу оилавий тадбиркорликда кўпроқ намоён бўлади, яъни аслида ишловчилар корхоналарга бориб ишлаши ва оиласига даромад келтириши керак. Оилада эса топилган даромад истеъмол қилиниши лозим. Оилавий тадбиркорлик ва касаначилик ривожланиши билан саноат корхоналаридаги меҳнат жараёнлари хонадонларга кўчмоқда. Бу саноатни ривожлантиришда уй хўжаликларидаги ички имкониятлардан самарали фойдаланишнинг муҳим хусусиятидир (1-расм).





**1–расм. Саноат соҳасида оилавий тадбиркорлик ривожланиши билан ишловчилар-нинг уй ҳўжаликларидаги омилларини ўзаро боғланиши<sup>1</sup>.**

Саноат соҳасида тадбиркорликни ривожлантиришнинг асосий йўналишларидан бири оилавий тадбиркорликни йўлга қўйиш ҳисобланади. Оилавий тадбиркорлик йўлга қўйилиши саноатдаги меҳнат жараёнларининг мазмуни ўзгаришига олиб келади. Саноат соҳасидаги оилавий тадбиркорликда иш вақти аниқ белгилаб берилмайди, оила аъзолари куннинг исталган вақтида ишлаши ёки дам олиши мумкин. Оилавий бизнесда ишловчилар сони чегараси ёки оиладаги ишловчилар ёшини белгилаб бўлмайди. Саноат соҳасида оилавий бизнес ривожланиши билан иш ҳақининг мазмуни ҳам ўзгаради. Оилавий бизнесда фаолият юритувчилар ойлик маош олмасдан, оиланинг умумий даромадидан фойдаланади. Шунингдек, оилавий бизнес саноатни ривожлантириш учун аҳолининг бўш пул маблағларини жалб этишнинг муҳим омили ҳисобланади.

2012 йил 26 апрелда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги қонунида “Оилавий тадбиркорлик оила аъзолари томонидан таваккал қилиб ва ўз мулкий жавобгарлиги остида даромад (фойда) олиш мақсадида амалга ошириладиган ташаббускорлик фаолиятидир”-деб белгиланган [6]. “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги қонунга кўра, агар оилавий тадбиркорлик юридик шахс кўринишида ташкил этилса, у оилавий корхона деб юритилади. Оилавий корхона унинг иштирокчилари томонидан

<sup>1</sup> Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

товарлар ишлаб чиқариш (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш) ва сотишни амалга ошириш учун ихтиёрий асосда, оилавий корхона иштирокчиларининг улушли ёки биргаликдаги мулкида бўлган умумий мол-мулк, шунингдек, оилавий корхона иштирокчиларидан ҳар бирининг мол-мулки негизида ташкил этиладиган кичик тадбиркорлик субъектидир. Оилавий корхона фаолияти унинг иштирокчилари шахсий меҳнатига асосланади.

Таркибий ўзгаришлар шароитида оилавий тадбиркорликни самарали йўлга қўйиш мумкин бўлган саноат тармоқларидан бири - ипакчилик тармоғи ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 мартдаги “Ўзбекипаксаноат” уюшмаси фаолиятини ташкил этиш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2856-сонли қарори асосида ипакчилик тармоғининг бош ташкилоти - “Ўзбекипаксаноат” уюшмаси ташкил этилди. Мазкур уюшма ҳозирги кунда самарали фаолият олиб бориб, “Ўзбекипаксаноат” уюшмаси таркибидаги корхоналар томонидан 2018 йилда 18 минг тонна ипак қурти пилласи етиштирилди (2017 йилга нисбатан 144 фоизга кўп), ипак маҳсулотлари экспорти 60 миллион АҚШ долларидан ортиқни ташкил қилди. 2018 йилда ипакчилик корхоналарини модернизациялаш ҳисобига 50 миллион АҚШ долларидан ортиқ инвестиция киритилди. Ипакчилик соҳасида 2018 йилда 14 452 та доимий ва 410 793 та мавсумий иш ўринлари яратилди. Натижада қишлоқ жойлардаги аҳоли, айниқса, аёллар иш билан таъминланди ва қишлоқ аҳолисининг даромадлари ошиши таъминланди [7].

Ипакчилик тармоғининг муҳим йўналишларидан бўлган ипак қуртини парваришlash жараёнига қишлоқ аҳолисининг кўпчилик қисми “мавсумий оилавий тадбиркорлик” орқали жалб этилади. Бу ипакчилик тармоғини ривожлантириш асосида ишловчиларнинг турмуш даражасини ошириш борасидаги муҳим йўналиши ҳисобланиб, тармоқнинг хусусиятларидан келиб чиқиб, биз иқтисодий фанга “мавсумий оилавий тадбиркорлик” категориясини киритиб, улардаги меҳнат жараёнларининг хусусиятлари инобатга олинса ва уни расмийлаштириш тартиби такомиллаштирилса, тармоқда хомашё етиштириш жараёнининг самарадорлиги ошади ва ишловчиларнинг манфаатдорлик даражаси ўсиб, уларнинг турмуш даражаси яхшиланади деган фикрдамиз.

Юқоридагилардан келиб чиқиб ипакчилик саноати корхоналарига пилла етиштирувчилар билан тузилган меҳнат шартномаларини такомиллаштиришни таклиф этамиз. Бу таклифларни қўллаш натижасида пилла етиштириш билан шуғулланувчи касаначилар ва бошқа ишчи-пиллакорлар билан меҳнат муносабатлари такомиллаштирилади, олдинги фермер хўжаликлари билан тузилган шартномалар ўрнига тўғридан-тўғри пилла етиштирувчилар билан шартнома тузиш жорий этилади. Меҳнат шартномаларини тузишда пилла етиштириш жараёнида ишловчилар оиласининг барча аъзолари қатнашиши, уй хўжаликларининг асосий воситалари ва инвентарларидан, яъни уларнинг шахсий мол-мулкидан фойдаланиши, пилла етиштирувчиларнинг меҳнат шароитларини

яхшилаш ва моддий манфаатдорликларини оширишга эътибор қаратиш инobatга олинади. Меҳнат шартномаларини такомиллаштириш ишловчиларнинг меҳнат унумдорлиги ва даромадлари ошишини таъминлади.

Таркибий ўзгаришлар шароитида саноатнинг таркибий тузилишини диверсификация қилиш жараёнида йирик саноат корхоналари билан кооперация алоқалари асосидаги касаначиликни ривожлантириш асосида янги иш ўринларини яратиш муҳим ҳисобланади. Мамлакатимизда касаначиликни ривожлантириш 2006 йил 5 январда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасидаги кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-3706 сонли фармони [8] асосида амалга оширилмоқда.

Касаначилик саноат тармоқларини ички имкониятлардан самарали фойдаланиш асосида ривожлантиришнинг асосий йўналишларидан бири бўлиб, у бир қатор иқтисодий ва ижтимоий муаммоларни ҳал қилади. Касаначиликни ташкил этишнинг мақсадлари қуйидагилар ҳисобланади:

– саноат корхоналарининг маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнида уй хўжаликларининг ички имкониятларидан кўпроқ фойдаланиш;

– аҳолини иш билан таъминлаш, унинг нофаол қисмини ишлаб чиқариш фаолиятига жалб этиш ва шу асосда аҳоли даромадларини ошириб, турмуш даражасини яхшилаш;

– бевосита саноат корхоналарида меҳнат фаолиятини амалга ошираётган ходимлар билан бир қаторда касаначилик билан банд бўлган аҳолининг ҳам ижтимоий манфаатларини ҳимоя қилиш;

– касаначилик меҳнатида фойдаланиб, бутловчи қисмлар, тайёр маҳсулотларнинг айрим турларини ишлаб чиқариш ва хизматларни ташкил қилиш эвазига йирик саноат корхоналарининг самарадорлигини ошириш.

Саноат корхоналари самарадорлигини касаначиликни ривожлантириш орқали ошириб, ишловчилар турмуш даражасини яхшилашнинг қуйидаги ўзига хос хусусиятлари мавжуд:

– касаначилар ўз уйларида меҳнат қилиб, маҳсулот ишлаб чиқарадилар;

– маҳсулот ишлаб чиқаришга нафақат касаначиларнинг ўзлари, балки уларнинг оила аъзолари ҳам ҳисса қўшиши мумкин;

– касаначилар ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланиб, бир вақтда уй-рўзғор ишларини бажариб, болалар тарбияси билан ҳам шуғулланиши мумкин;

– касаначилар ишлаганлари учун уларга иш ҳақи тўланади, меҳнат таътиллари берилади, меҳнат дафтарчаси тутилиб, иш стажи юритилади ва бошқа ижтимоий манфаатлари ҳимоя қилинади.

Мамлакатимизда таркибий ўзгаришларни самарали амалга ошириш жараёнида ипакчилик тармоғининг самарадорлигини ошириш, хусусан, тармоқда аҳолининг иш билан бандлигини кўпайтириш, янги иш ўринларнинг рағбатлантириш бўйича кўплаб қулай имкониятлар яратилиб, имтиёзлар берилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 мартдаги “Ўзбекипаксаноат” уюшмаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2856-сонли қарорига асосан пиллачилик соҳасида ишловчи ходимларнинг меҳнат шaroитлари ва турмуш даражасини оширишга кенг эътибор қаратилди, жумладан:

- уй шароитида пилла етиштириш билан шуғулланувчи (касаначи)лар жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи тўлашдан озод этилди;

- пилла етиштириш билан шуғулланувчи касаначилар ва бошқа ишчи-пиллакорлар меҳнатига ҳақ тўлашга йўналтириладиган маблағлари бўйича ягона ижтимоий тўловдан озод этилди ва бундан бўшаган маблағлар пилла етиштирувчи ташкилотлар томонидан касаначилар ва ишчи-пиллакорларни моддий рағбатлантиришга йўналтирилиши белгилаб берилди;

- пиллачилик тармоғи ишчилари ва пилла етиштириш билан шуғулланувчи касаначиларни қонун ҳужжатларида тасдиқланган тўлиқ бир мавсум ишланган даврлари уларга пенсия тайинлаш учун бир йил меҳнат стажига ўтадиган мавсумий ишлар ва саноатнинг мавсумий тармоқлари рўйхатига киритилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 декабрдаги “Республикада ипакчилик тармоғини ривожлантиришни қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4047-сонли қарори [9] асосида тармоқда ишловчиларнинг меҳнатини рағбатлантириш бўйича қуйидаги имтиёзлар берилди:

- шартномада белгиланган миқдордан ортиқча пилла хомашёси топширилганида, 5 килограммгача ортиқча пилла ҳосили харид нархига нисбатан 15 фоиз, 5 килограммдан юқори бўлган қисмига 25 фоиз миқдорида устама тўлаш тизими жорий этилди;

- тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси ҳисобидан тижорат банклари томонидан белгиланган кредит ставкасининг 50 фоизи миқдорида компенсация бериш тартиби ўрнатилди;

- тармоқ ишчиларини “Ипакчилик ва тутчилик” таълим йўналиши бўйича сиртқи бўлимларга белгиланган қабул квоталаридан ташқари тўлов-контракт асосида тест синовларисиз қабул қилиш жорий этилди ва ҳоказо.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, таркибий ўзгаришлар шароитида ипакчилик тармоғида ички имкониятлардан самарали

фойдаланган ҳолда самарадорликни ошириш, бу орқали кўпроқ янги иш ўринларини яратиш, тармоқда аҳоли бандлигини таъминлашнинг замонавий усулларни қўллаш, турли йўналишлар орқали ишловчиларнинг меҳнатини рағбатлантириб бориш тармоқнинг жадал ривожланишини таъминлайди. Бу каби тадбирларни иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида ҳам қўлланилиши мамлакатимизда аҳолининг иш билан бандлиги ошиб, турмуш даражаси яхшиланишига олиб келади.

#### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Махмудов Н.М., Хомидов С.О. Ўзбекистон саноати: ривожланиш омиллари, тенденцияси ва муаммолари. Монография. – Т.: Иқтисодиёт, 2017.
2. Кузнец С. Современный экономический рост: результаты исследований и размышления: нобелевская лекция //Нобелевские лауреаты по экономике: взгляд из России. – СПб.: Гуманистика, 2003.
3. Демченко С.К. Зарубежный опыт структурных преобразований в экономике: Монография. - М.: ИД “АТиСО”, 2007.
4. Матжонов Б.Р., Юсупова Ф.Й. Аҳоли бандлигини таъминлаш ва янги иш ўринларини ташкил қилишнинг асосий йўналишлари // Молодой ученый. - 2016. № 29.3.
5. Кейнс Джон Мейнард. Общая теория занятости, процента и денег. М.: Гелиос, 2002.
6. Ўзбекистон Республикасининг қонуни. Оилавий тадбиркорлик тўғрисида. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 17-сон. [www.lex.uz](http://www.lex.uz).
7. “Ўзбекипаксаноат” уюшмаси расмий сайтининг маълумотлари. [www.uzbekipaksanoat.uz](http://www.uzbekipaksanoat.uz)
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосида ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»даги ПФ-3706 - сонли фармони. // Халқ сўзи. 2006 йил. 6 январь.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 декабрдаги “Республикада ипакчилик тармоғини ривожлантиришни қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4047-сонли қарори. // Халқ сўзи. 2018 йил. 5 декабрь.